



## ЯШИЛ САНОАТ СИЁСАТИ ЮРИТИШНИНГ АҚШ МОДЕЛИ: ТАВСИФ, ТАҲЛИЛ ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ХУЛОСАЛАР

*Муқимов Шерали*

*PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Халқаро молия кафедраси  
доценти, Тошкент, Ўзбекистон. Email: mukimov750@gmail.com*

## THE US MODEL OF IMPLEMENTING GREEN INDUSTRIAL POLICY: DESCRIPTION, ANALYSIS, AND LESSONS FOR UZBEKISTAN

*Sherali Mukimov*

*PhD, Associate Professor, Department of International Finance, Tashkent State  
University of Economics Tashkent, Uzbekistan. Email: mukimov750@gmail.com*

**Аннотация.** Мақолада АҚШнинг Инфляцияни қисқартириши тўғрисидаги қонунига (ИҚК) асосланган яшил sanoat сиёсати (ЯСС) модели таҳлил қилиниб, бозор тамойилларидан фаол давлат аралашувига ўтиш жараёнидаги тузилмавий ўзгаришлар баҳоланган. ИҚКнинг асосий инструментлари, жумладан технологик жиҳатдан нейтрал солиқ кредитлари ва маҳаллий контентни рағбатлантириши механизмларининг таҳлили орқали АҚШ ёндашуви тартибга солишдан кўра молиявий механизмларга устуворлик берувчи "фискал федерализм" сифатида тавсифланди. Тадқиқот натижалари моделнинг декарбонизация ва ижтимоий адолатдан иборат икки мақсадли эканини кўрсатиб берди. Хулоса ўрнида Ўзбекистон учун стратегик тавсиялар шакллантирилиб, фискал ва ижтимоий механизмларни миллий шароитларга мослаштирувчи гибрид сиёсат юритиши таклиф қилинган.

**Abstract.** This study analyzes the United States' Green Industrial Policy (GIP) model, anchored by the Inflation Reduction Act (IRA), to evaluate its structural shift from market-based principles to active state intervention. Through a content analysis of the IRA's key instruments, including technology-neutral tax credits and domestic content incentives, the research characterizes the US approach as "fiscal federalism" prioritizing financial mechanisms over regulation. The findings highlight the model's dual focus on decarbonization and social

equity. Conclusively, the paper derives strategic lessons for Uzbekistan, advocating for a hybrid policy framework that adapts these fiscal and social mechanisms to the context of a developing economy.

**Калим сўзлар:** яшил sanoat сиёсати, Инфляцияни қисқартириши тўғрисидаги қонун, фискал федерализм, декарбонизация, технологияга нейтрал солиқ кредитлари, маҳаллий таркибга оид талаблар, адолатли жорий этиши, ўртача иш ҳақи стандартлари.

**Key words:** green industrial policy, Inflation reduction act, fiscal federalism, decarbonization, technology-neutral tax credits, domestic content requirements, equitable deployment, prevailing wage standards.

**Кириш.** Тобора чуқурлашиб бораётган иқлим инқирози ва технологик етакчилик учун глобал рақобатнинг авж олиши йирик иқтисодиётлар олдида sanoat стратегияларини барқарорлик ёки яшиллик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш вазифасини қўйди. Натижада, қачонлардир иқлим сиёсати таркибида кўрилган яшил sanoat сиёсати иқтисодий сиёсат юритишнинг марказий бўғинига айланди.

Бугунги кунда Европа Иттифоқи, АҚШ ва Хитой – дунёнинг уч гиганти яшил sanoat сиёсатини юритиш борасида ўзаро фақли, бироқ тобора ўхшаш бўлиб бораётган уч парадигмани дунё ҳамжамиятига ўз тажрибалари орқали тақдим этмоқдалар. ЕИнинг Европа яшил

келишуви саноат режаси (European Green Deal Industrial Plan), АҚШнинг Инфляцияни қисқартириш тўғрисидаги қонуни (Inflation Reduction Act) ҳамда Хитойнинг яшил саноат ва инновация сиёсати – саноатни яшил этишнинг янги глобал моделларини ўзида ифода этиб, декарбонизация жараёни ҳамда рақобатбардошлик, хавфсизлик ва барқарорлик тушунчалари ўртасида мустаҳкам ҳамоҳанглик ва чамбарчас боғлиқлик мавжудлигини асослаб берди.

Шу маънода ЯСС кам углеродли технологиялар, яшил ишлаб чиқариш занжирлари ва ресурсларни тежовчи саноат тармоқларини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат чора-тадбирлари сифатида кўрилиши мумкин. Масаланинг нозик жиҳати ҳам ана шунда: “яшил ўтиш” ишлаб турган саноатни бўғиб қўймаслиги, иқтисодий фаолликка ва бандликка салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Бозор нуқсонларини тўғрилашнинг маъмурий чораларига асосланган анъанавий саноат сиёсатидан фарқли ўлароқ, ЯСС ишлаб чиқариш тузилмасини қайта ташкил этишни назарда тутди ва бунда инструмент сифатида инвестициялар, фискал имтиёзлар ва технологик интервенциялардан фойдаланади. 1980 йиллардаги неолиберал ғоялар устуворлиги даврдан сўнг давлатлар иқтисодиётдаги ролини яна ошириб, мўжизалар кўрсатдилар. Бирок, орадан шунча вақт ўтишига қарамай, мазкур фаол роль давлатдан-давлатга турлича тус ва шаклга эга бўлиб борди. 2020 йилдан кейин бошланган ЯСС эраси эса ушбу фарқлишни янада катталаштирди.

Бу борада АҚШда юритилаётган сиёсатни ўрганиш ва таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Иқтисодий сиёсатнинг ҳар қандай йўналишида азалий идеал намуна бўлиб келган “америкача” модель иқлим ва саноат сиёсатини бирлаштиришга келганда бироз кеч ишга тушди, кўп мақталди, кези келса жиддий танқид ҳам қилинди. Шундай бўлса-да, замон, макон ва намоенидан қатъи назар, улкан маблағ ва

мутлақо янги тартибот устига қурилган ушбу модель ҳозирда муқобили камёб бўлган ўзига хос ёндашувни ифода этади ва тадқиқотчилар ҳамда сиёсатчиларга идеал ўрганиш объектини тақдим этади.

**Материал ва метод.** Тадқиқотда АҚШнинг Инфляцияни қисқартириш тўғрисидаги қонуни ҳуқуқий ва иқтисодий контент жиҳатдан таҳлил қилиниб, унинг асосида юзага келган яшил саноат сиёсати концептуал моделлаштирилади. Бунда АҚШ давлат идораларининг расмий маълумотлари ва шарҳлари асосий маълумотлар базаси сифатида фойдаланилади. Шунингдек, АҚШ моделига баҳо беришда адабиётлар шарҳи ва геоиқтисодий ёндашувга мурожаат қилиниб, тегишли хулосалар шакллантирилади.

ЕИнинг Яшил келишуви асосан регулятив характерга эга бўлиб, ултреродни нархлаш ва субсидияларни тартибга солишга қаратилган. АҚШнинг Инфляцияни қисқартириш қонуни эса давлатнинг фискал экспансиясини назарда тутиб, унинг асосини имтиёзлар ташкил қилади. Хитой модели бўлса давлатнинг янгича тараққиёт моделини ўзида ифода этган ҳолда саноатни режалаштириш, муайян тармоққа давлат инвестициялари ва маҳаллий бюджет харажатларини йўналтиришни назарда тутди.

Мазкур уч ёндашув биргаликда саноатни яшиллаштириш борасида глобал трилеммани тақдим этади. “Қайси бири яхшироқ?” деган савол асосида ушбу уч ёндашувни ўзаро таққослаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки улар моҳиятан бошқа-бошқа нарсалар, мақсад-муддаолари ҳам турлича. Институционал нуқтаи назардан қаралса, масала янада равшанроқ кўринади: ЕИда устуворлик давларларусти тартибга солиш, АҚШда – фискал федерализм, Хитойда – тараққийпарвар давлат (developmental state) анъанаси.

Дунё ҳамжамияти томонидан ҳар учала ёндашувнинг устун жиҳатлари тан олинаётган бир шароитда уларни бирлаштириш орқали янги универсал “қоришма” ҳосил қилиш ва Ўзбекистон

каби ривожланаётган мамлакат шароитида қўллаш масаласини кўриб чиқиш замон талаби ҳисобланади.

**Натижалар.** Узоқ йиллар давомида АҚШ иқлим сиёсатида “бозор биринчи” тамойили амал қилиб келган. Бироқ, яшил кун тартиби глобал миқёсга кўтарилгач, 2022 йилда Инфляция қисқартириш тўғрисида қонун (кейинги ўринларда – ИҚК) қабул қилинди. Дастлаб “Яхшироқ куриб олиш қонуни” (Building Back Better Act) деб номланган[1] ушбу ҳужжат, коронавирус пандемияси етказган иқтисодий зарарни қоплаши ва айти вақтда экологик мақсадларга хизмат қилиши белгиланган.

ИҚКни том маънода мақсадли йўналтирилган саноат стратегияси деб

баҳолаш мумкин. Чунки унинг иқтисодий негизларида стратегик таъминот занжирларини мамлакатга қайтарган ҳолда ишлаб чиқаришни декарбонизация қилиш мақсади ётади. Шу сабабга кўра ҳам расмий манбаларда[2] стратегиядан мақсад сифатида “маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш” кўрсатилади. Албатта, бу ерда кўтарилган чалкашлик шунчаки нуқтаи назарлар хилма-хиллиги натижаси холос.

ИҚКнинг мазмуни ва инструментлар таркибидан АҚШ ҳукумати томонидан олиб борилаётган ЯССнинг қуйидаги 4 жиҳатини ажратиш кўрсатиш мумкин:



1-расм. ИҚК бўйича ЯССнинг асосий инструментлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

**Узоқ муддатли солиқ имтиёзлари.** Солиқ чегирмаларини ИҚКнинг энг асосий молиявий инструменти деб ҳисоблаш мумкин. Улар узоқ муддат (одатда 10 йил) прогноз қилиш имконини беради, жами чегирмалар бўйича эса ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Яъни, бундай қулай шароитларда бизнес учун яшил саноатга инвестиция киритишни бозорнинг ўзи кўрсатади.

Солиқ чегирмалари ичида энг муҳимлари ишлаб чиқариш солиқ чегирмалари (Production Tax Credit) ва инвестицион солиқ чегирмалари (Investment Tax Credit) ҳисобланади. Шамол, қуёш ва бошқа турдаги тоза энергия лойиҳалари учун алоҳида ва мослашувчан чегирмалар жорий қилинган. Мисол учун, 1 МВт ва ундан

ортиқ қувватга эга лойиҳалар учун лойиҳа қийматининг 6 фоизи миқдорида инвестицион солиқ чегирмаси, ҳар бир генерация қилинган кВт/соат электр энергияси учун эса 0,5 цент ишлаб чиқариш солиқ чегирмаси тақдим этилади[3] (1 МВт.гача лойиҳалар учун мос равишда 30% ва 2,75 цент).

Қонун қабул қилинганига кўп ўтмай, у такомиллаштишни бошлади. Эндиликда ҳукумат солиқ чегирмаларини алоҳида энергия манбаларига (шамол, қуёш, биомасса ва б.) боғлашдан кўра, технологияга боғлаш мақсадга мувофиқ, деган қарорга келди. Натижада ишлаб чиқариш ва инвестицион солиқ чегирмалари ўрнини технологик-нейтрал солиқ чегирмалари (technology-neutral tax credits) эгаллади[4]. Янги тартибга мувофиқ солиқ чегирмалари ноль ёки

нолга яқин эмиссия кўрсаткичига эга ҳар қандай генерация учун тақдим этилади.

Навбатдаги солиқ чегирмаси тоза водород учун (Clean Hydrogen Tax Credit) тақдим этилиб, ишлаб чиқарилган тоза водороднинг ҳар килограмми учун 3 долларгача чегирмани назарда тутати. Албатта, бунда максимал чегирмага эга бўлиш учун ишлаб чиқариш жараёнида камроқ CO<sub>2</sub> эмиссия қилиш керак[5]. Хусусан, 1 кг водород олиш учун 4 кг.гача CO<sub>2</sub> муқобили эмиссия қилинса, бор йўғи 0,6 доллар солиқ чегирмаси берилади. 3 долларлик чегирма учун эса CO<sub>2</sub> муқобили эмиссияси 0,45 кг.дан кўп бўлмаслиги лозим.

ИҚҚнинг такомиллашиб бораётгани ҳақида сўз юритдик. Шу билан бирга, қонун орқали илгари амал қилган ЯСС инструментлари ҳам янгиша шаклларда муомалага киритилганини ҳам қайд этиш жоиз. Масалан, йирик саноат ишлаб чиқариш объектларига тутиб қолинган ва захираланган углерод (Carbon Capture and Sequestration) учун илгари ҳам солиқ чегирмаси кўринишида субсидия берилган. ИҚҚ доирасида эса ўрнатилган максимал ва минимал қийматлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг экологик манфаатларга янада яқинлиги таъминланди. Жумладан, саноат корхоналари томонидан геологик захиралашнинг ҳар тоннаси учун субсидия 17 дан 85 долларгача оширилди[6]. Дарвоқе, агар корхона водород ишлаб чиқаришда CO<sub>2</sub>ни тутиб қолиш технологиясини қўлласа, у технологик-нейтрал солиқ чегирмаси ёки углеродни тутиб қолиш ва захиралаш субсидиясидан бирини танлашига тўғри келади.

**Маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш.** Мазкур инструмент саноат сиёсатининг энг муҳим ричагидир. У орқали ҳукумат яшил ёки анъанавий бўлишидан қатъий назар АҚШ худудида мустаҳкам таъминот занжирларини куришни ният қилган.

Бу инструментарий ичида юқори технологияли саноат ишлаб чиқариш субсидияси (Advanced Manufacturing

Production Credit) алоҳида аҳамиятга эга ва маҳсулот бирлигига нисбатан тақдим этилади[7]. Бундай маҳсулотлар сафига кўёш ва шамол энергия станциялари учун бутловчи қисмлари, инвертерлар, аккумуляторлар ва уларнинг қисмлари ҳамда нодир металллар киради.

Маҳаллий контент учун бонус субсидияси (Domestic Content Bonus Credit) эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун субсидия устига яна субсидия олиш имконини беради. бунда муайян талабларни бажарган ишлаб чиқарувчилар тоза энергия учун солиқ чегирмалари 10 фоизгача оширилган миқдорда тақдим этилиши мумкин[8]. Талаблар сони кўп эмас: Лойиҳа объектлари қурилишида ишлатилган пўлат, темир ва бошқа материаллар АҚШда ишлаб чиқарилган бўлиши керак.

Электромобиллар учун истеъмол солиқ чегирмалари (New Clean Vehicle Credit) ҳам фақат АҚШда ишлаб чиқарилганлик шарти билан берилади. Бунда электромобилни йиғишнинг сўнгги босқичи АҚШда амалга оширилган, маҳаллий нодир металллардан фойдаланиш бўйича чегаравий қийматларни бажарган, аккумулятор батареяси АҚШда ёки ҳамкор давлатларда ишлаб чиқарилган бўлиши талаб этилади[9]. Чегирма миқдори максимал 7500 долларни ташкил этади ва у икки тенг қисмдан иборат. Субсидиянинг ярми (3750 долларгача) автомобилнинг нодир металллар бўйича талабларни бажарганлиги учун, қолган ярми эса батарея қисми учун тақдим этилади[10].

### ***Бандлик ва тенглик имтиёзлари.***

Табиийки, давлатнинг ҳар қандай сиёсати каби ЯСС натижалари аҳолининг турли қатламларига турлча таъсир қилади. чунки яшил технологияларни қўлга киритиш имконияти давлатлар ўртасида фарқ қилади, бу ҳол ҳаттоки мамлакат ичида алоҳида гуруҳлар ўртасида ҳам тез-тез учрайди[11]. Шу сабабли, ҳукуматлар яшил ўтишни амалга оширишда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал қилишга албатта уриниб кўрадилар. АҚШда ҳам ИҚҚ

орқали янги тартиботнинг сифатли иш ўринлари яратилишига ҳамда имкониятларнинг адолатли тақсимланишига (equitable deployment) эришишни мақсад қилган.

Бунинг учун давлат юқорида келтирилган имтиёзларни (асосий турларини) қўлга киритиш учун муайян ижтимоий талаблар жорий қилган. Улардан бири иш ҳақи ва шогирдлик бўйича устувор талаблар (Prevailing Wage and Apprenticeship Requirements) бўлиб, унинг мазмунида[12] энергетик лойиҳа доирасида ишчиларга маҳаллий ўртачадан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланиши, шунингдек муайян киши-соат ишларнинг алоҳида ижтимоий дастурларга киритилган шахслар (шогирдлар) томонидан бажарилиши ётади. Бу орқали ҳукумат ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари учун муносиб иш жойларини яратишга уринмоқда.

Экологик жиҳатдан оғирроқ ёки қазилма ёқилғига кучли боғлиқ бўлган ҳудудларни тезроқ яшиллаштириш учун эса энергия ҳамжамияти солиқ чегирма бонуси (Energy Community Tax Credit Bonus) амал қилади. Бонуснинг миқдори 10 фоизни ташкил қилади ва аввал тақдим этилган солиқ чегирмаси устига қўшиб берилади[13]. Масалан, агар қуёш электр станцияси кўмир энергияси етакчилик қилган ҳудудда барпо этилса, у ҳолда лойиҳа умумбелгиланган 30 фоизлик инвестиция солиқ чегирмасини 40 фоиз миқдорда олади.

Бошқа бир бонус эса тоза энергия лойиҳасини кам даромадли ҳудудларда амалга оширганлик учун тақдим этилади (The Clean Electricity Low-Income Communities Bonus Credit)[14]. У ҳам худди юқоридаги бонусга ўхшаб инвестиция солиқ чегирмаси устига қўшилади, фақат унинг миқдори 10-20 фоизни ташкил қилади. Максимал чегирма кам даромадли аҳолини уй-жой ва инфратузилма билан таъминлаш дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларга берилади. 10 фоизлик бонус эса кам даромадли ҳудудлар ва хиндулар (туб аҳоли) учун

резервация қилинган минтакалардаги фаолият учун тақдим этилади.

**Таргетли грант ва қарзлар.** АҚШ яшил саноат сиёсатида солиқ чегирмалари мутлақ устунликка эга бўлса-да, баъзи ҳолларда тўғридан-тўғри маблағ ажратишга асосланган механизмлар ҳам учраб туради. Уларга мисоллар кўп эмас, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳукумат федерал маблағларни тўғридан-тўғри йўналтиришдан манфаатдор эмас.

Иқлим ифлосланишини қисқартириш учун грантлар (Climate Pollution Reduction Grants) ёки содда декарбонизация грантлари муддатли ва чекланган ресурс базасига эга. ИҚҚнинг 60114 бандига мувофиқ декарбонизация мақсадлари учун қарийб 5 млрд доллар миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, шундан 260 миллиони тўғридан-тўғри (танловсиз) иқлимий лойиҳани режалаштиришга, қолган 4,6 миллиарди танлов асосида лойиҳа ижроси учун тақдим этилади[15].

АҚШ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги (US Environmental Protection Agency) изоҳига кўра, Иқлимий лойиҳа деганда маҳаллий бошқарув органларининг иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартиришга қаратилган ҳамда қуйидаги 6 та соҳага оид лойиҳалар тушунилади[16]:

- электр энергияси генерацияси;
- саноат;
- транспорт;
- қурилиш;
- қишлоқ хўжалиги, табиий ва суғориладиган ерлар;
- чиқиндиларни бошқариш.

Ҳукумат маблағларни тақсимлашда ҳар штатдан камида 1 та лойиҳа қатнаши лозимлиги тўғрисида шарт киритган. Қизиқ жиҳати шундаки, дастлабки режалаштириш босқичи 2031 йил 30 сентябрга қадар давом этиши, лойиҳалар ижроси учун маблағ ажратиш эса 2026 йилнинг 30 сентябргача амалга ошиши белгиланган. Бу орқали ҳукумат бир томондан штатлар кесимида доимий равишда иқлимий лойиҳаларга эга бўлиш имкониятига эга бўлган бўлса, бошқа томондан келгуси йилларда ижро фазаси

учун қўшимча маблағ ажратиш масъулиятини ҳам бўйнига олган. Дарҳақиқат, ажратилган деярли барча маблағлар 2024 йилнинг якунига қадар тақсимланиб улгурган эди[17].

АҚШ учун ноёб бўлса-да, ЯСС доирасида кредитлар бўйича имтиёзлар ҳам олиш мумкин. Бунда Энергетика вазирлиги Кредит дастурлари офиси (Department of Energy Loan Programs Office) бир қатор қулайликларни таклиф этади. Имтиёзнинг мазмуни катта ҳажмдаги, инновацион тоза энергия ва саноат лойиҳалари учун банк кредитлари

бўйича қафолатларни тақдим этишдан иборат. Табиийки, барча лойиҳалар иссиқхона газлари эмиссияси ва ҳаво ифлосланишини қисқартиришга қаратилган бўлиши лозим.

Қайд этиш лозимки, ушбу дастур 2005 йилдан фаолият юритиб келади. Бирок, ИҚҚ натижасида унинг ресурс базаси кескин кенгайтирилиб, мақсадлари янада яшиллаштирилди. Қонунга мувофиқ, ташаббускорлар 4 йўналишда Кредит дастурлари офисидан молиявий кўмак олиши мумкин:

**1-жадвал**

**Кредит дастурлари офиси томонидан кредит қафолатлари тақдим этиш йўналишлари[18]**

№	Йўналиш	Изоҳ
1	Инновацион энергия	Тижорий асосда инновацион тоза энергия технологияларини қўллашни назарда тутган лойиҳалар учун
2	Инновацион таъминот занжири	Тижорий асосда инновацион ишлаб чиқариш жараёнларини йўлга қўйган ёки инновацион технология ишлаб чиқарувчи лойиҳалар учун
3	Штат энергияни молиялаштириш институти қўллови	Федерал ва штат энергия устуворликларини баланслаштириш имконини берувчи штатлар назоратидаги тоза энергия лойиҳалари
4	Энергия инфратузилмасига реинвестициялар	Фаолиятини тўхтатган энергия инфратузилмаси объектларини кўчириш ёки бошқа мақсадларга йўналтириш, ёки ишлаётган объектлардан эмиссияни қисқартириш учун

Энергетика вазирлиги ҳисоботида кўра[19], 2021-2024 йилларда жами бўлиб 53 та келишув асосида 107,57 млрд доллар миқдорда инвестиция лойиҳалари кредит ва қафолатлар тақдим этилган. Шундан 60,62 млрд доллар қийматидаги лойиҳалар аллақачон амалга оширилган, қолган 46,95 млрд долларлик лойиҳалар эса давом этмоқда.

**Мунозара.** ИҚҚ 2022 йилда қабул қилинган бўлса, унинг ижроси 2023 йилда бошланган ва америкача ЯССнинг экологик самарадорлигини объектив баҳолаш учун етарлича вақт ўтгани йўқ. Шундай бўлса-да, 2025 йилдан бошлаб эълон қилинган илмий мақолалар орқали ўтган 2 йилдан ортиқроқ қисқа вақтда эришилган натижаларни кўриш мумкин. мисол учун, Jinghong Zhou ва б.

томонидан ИҚҚнинг умумий самарадорлиги АҚШда РМ 2,5 заррачалари тарқалишини орқали баҳоланган[20]. Олимлар қонун амал қилиши натижасида бундай заррачалар камайгани тасдиқлаб, бу ҳолат анъанавий ёқилғидан тоза энергияга ўтиш билан боғлиқлигини аниқлаган. Янада оптимистик натижалар S.O. Aniebonam ва б. тадқиқотида[21] кузатилган: ИҚҚ ҳозирги каби амал қилишда давом этса, бутун иқтисодиёт бўйича эмиссиялар 2035 йилга қадар 2005 йилги даражага нисбатан 43-48 фоизга камайиши прогноз қилинган.

Шу билан бирга, бир қатор олимлар АҚШдаги яшил саноат сиёсатини етарлича қаттиққўл эмасликда танқид қиладилар. Уларнинг фикрича,

берилган имтиёзларнинг барчаси рағбатлантирувчи тавсифга эга бўлиб, яшиллик йўлига юрмаган ёки бундан бош тортган субъектларни жазоламайди. Хусусан, Г.А. Токич ИҚҚ доирасида угдерод солиғига эътибор қаратилмаганини, жорий солиқ чегирмалари эса “кўр-кўрона” (blunt) инструмент эканини қайд этиб, уларни жиддий қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди[22].

Bessie Noll ва бошқа тадқиқотчилар[23] эса ИҚҚ доирасидаги саноат сиёсатини 3 жиҳатдан кескин танқид қилади. Биринчидан, АҚШ соғлом халқаро зид бўлган субсидиялар ва маҳаллий контент талаблари орқали халқаро эркин савдо парадигмасини бузмокда. Иккинчидан, АҚШ қўллаётган “маҳаллий иқтисодиёт – биринчи” сиёсати (domestic-first politics)нинг оқибатлари узоқ-узоқларга тиб бориши мумкин. Буни муаллифлар “кўшнинг ҳисобига яша” сиёсати (beggar-thy-neighbour policy - бу шундай сиёсатки, унда давлатнинг ўз иқтисодий муаммоларини ечиш учун қўллаган чоралари бошқа мамлакатларнинг иқтисодий аҳволини ёмонлаштиради) деб юритадилар. Уларнинг фикрича, ИҚҚ доирасида қабул қилинган имтиёзлар оқибатида АҚШни энг яқин ҳамкорлар ҳисобланган ЕИ, Япония ва Кореядан узоқлаштириб, умумий экологик манфаатларни биргаликда таъминлаш аҳдига зарар бериши мумкин. Ниҳоят, учинчи танқидга сабаб сифатида шундок ҳам геосиёсий жиҳатдан қутблашиб бораётган дунёда АҚШ яратган сиёсий таратган сиёсий тангликлар халқаро савдо нормалари ва халқаро ташкилотларнинг нуфузига путур етказиши келтирилади. Бунга ёркин мисол этиб АҚШнинг айнан ИҚҚ сабабли Жаҳон савдо ташкилотини халқаро савдода иккиламчи ролга ўтказиб кўйганига эътибор қаратилади.

**Хулоса.** Умуман олганда, АҚШ томонидан юритилаётган ЯСС давлатнинг саноатга аралашуви қамрови (селективлиги)га кўра асосан горизонтал тавсифга эга бўлиб, барча инструментлар молиявий аҳамиятга эга. Бунда федерал

ҳукумат ЯССни экспансив фискал сиёсат контекстида кўрмокда ва шунинг учун амалиётда экологик самараларга қараганда соф иқтисодий нафлар (маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш) кўпроқ кўзгат ташланмокда. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатлар учун ЯССнинг америкача моделидан намуна олиш мумкин бўлган баъзи жиҳатларни эътироф этиш мумкин:

**1.** Вертикал ва горизонтал чоратадбирларни бир вақтнинг ўзида жамлаган матрицавий ёндашув (matrix approach[24]) бўйича АҚШ ўзига хос намуна бўлиб, ҳам миллий иқтисодиётни ялпи яшиллаштириш, ҳам таргетланган тармоқларда (энергетика, транспорт, курилиш ва б.) иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш ҳамда маҳаллий технологияларни рағбатлантиришда “маҳорат дарси” бўлиб хизмат қилиш мумкин. Шунингдек, ЯСС орқали АҚШ қўллаган протекционистик чоралар танқидга учраган бўлса-да, улар Ўзбекистон шароитида бирор кескин муносабатга йўлиқиши даргумон. Чунки халқаро савдода тизим яратувчи акторлик роли АҚШ каби иқтисодий гигантларга хос.

Маълумки, Ўзбекистон маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлашда барча мамлакатлар сингари протекционистик чоралардан фойдаланади ва бунда тариф тўсиқларини кўпроқ қўллайди[25]. Бирок, ички бозорни тарифлар орқали ҳимоя қилиш узоқ муддатли даврда тескари самара бериши кўплаб тадқиқотлар[26] орқали исботини топган ҳақиқатдир. Тарифларнинг умумий ўртача ставкаси тушиб бораётган шароитда[27] ҳам маҳаллий таъминот занжирларини қарор топтириш ва мустаҳкамлашда АҚШнинг маҳаллий контент бонуслари схемаларидан фойдаланиш рағбат инструменти сифатида кўпроқ самара келтириш мумкин.

**2.** ЯСС доирасида “ўйин қоидалари”нинг содда ва прогноз қилинувчанлиги, мақсадларнинг аниқ қўйилиши энг муҳим методологик намуналардан биридир. Қоидаларнинг

ягона ҳужжат орқали, барча учун содда ва тушунарли тақдим этилиши, ҳужжат узоқ муддат амал қилиши борасида Конгресс кафолатлари инвестор учун кучли ва аниқ бозор сигналларини яратади. Ўзбекистонда ҳам миллий саноатни яшиллаштиришда концептуал тавсифдаги яхлит ва ягона ҳужжатнинг қабул қилиниши бозор ва яшил кун тартиби қоидаларининг табиий равишда уйғунлашиб кетишига шароит яратади.

3. АҚШ модели асосан экспансив фискал сиёсатга таянса-да, аслида бир қатор бошқа инструментларни ҳам қўллайди. Яъни, америкача сиёсат нафақат имтиёз тарқатиш, балки шартлилик тамойили асосида инфратузилма ва ишчи кучи билан боғлиқ муаммоларни ҳам ҳал қилишни назарда тутлади. Бундай ёндашувни БМТнинг Саноат тараққиёти ташкилоти (UNIDO) ҳам қўллаб-қувватлайди ва мамлакатларга тавсия қилади[28]. Ўзбекистонда ҳам АҚШда бўлгани каби аҳолининг бир қатор ижтимоий рўйхатлари ("темир" дафтар, аёллар дафтари ва б.) шакллантирилган бўлиб, ЯСС доирасидаги имтиёзларни шу рўйхатларга кирган шахслар бандлигини таъминлашга боғлаш ижтимоий муаммоларни бартараф этишнинг яхши ечими бўлиб хизмат қилиши мумкин.

4. "Узоқ муддатли, лекин чексиз эмас". АҚШ ЯСС моделининг яна бир жиҳати шундаки, прогноз қилиш учун етарлича узоқ муддатни назарда тутлади,

бирок барча теран англайдиким тақлиф этилаётган имтиёзлар қачондир бекор қилинади. Шу сабабли, бизнеслар кўриш мумкин бўлган келажакда (10 йилгача) имтиёзлардан фойдаланиб қолиш учун янги инвестиция лойиҳаларини олдинга сурадилар, экологик тоза технологияларни илгарироқ жорий қиладилар.

5. Саноат сиёсати, хоҳ яшил, хоҳ анъанавий бўлсин, у давлатнинг ёрдамчилик ёки воситачилик ролини тақозо этадики, токи тадбиркорлар ўзларини давлат сиёсатининг бир қисми сифатида ҳис этсин ва "ўйин қоидалари"ни тўлиқ англасин. АҚШда 2022 йилда ИҚҚнинг ижроси бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган – Тоза энергия инновациялари ва уларни жорий қилиш бўйича Оқ уй офиси (White House Office on Clean Energy Innovation and Implementation) ташкил этилган бўлиб, у соҳага масъул идоралар ўртасида қарор қабул қилиш жараёнини осонлаштириш ва самарадорлигини ошириш билан шуғулланади. Мазкур Офис ЯССни амалга оширишдаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва сиёсатга тегишли тузатишлар киритиш бўйича доимий фаолиятни амалга оширади. Бу орган фаолиятдан намуна олиш ривожланаётган ЯССни ташкил этишда бюрократик юкнинг камайиши ва самарадорликнинг ошишига ҳисса қўшади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. The Inflation Reduction Act of 2022: What it is, what it means, and how it came to pass. Манба: <https://www.catf.us/2022/08/inflation-reduction-act-what-it-is-what-it-means-how-it-came-to-pass/>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
2. FACT SHEET: How the Inflation Reduction Act's Tax Incentives Are Ensuring All Americans Benefit from the Growth of the Clean Energy Economy. Манба: <https://home.treasury.gov/news/press-releases/jy1830>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
3. Summary of Inflation Reduction Act provisions related to renewable energy. Манба: <https://www.epa.gov/green-power-markets/summary-inflation-reduction-act-provisions-related-renewable-energy>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
4. Treasury and IRS Release Technology-Neutral Clean Energy Tax Credit Proposal. Манба: <https://eelp.law.harvard.edu/treasury-and-irs-release-technology-neutral-clean-energy-tax-credit-proposal/>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.



5. Inflation Reduction Act Tax Credits and Rebates. Манба: <https://www.wri.org/us-climate-policy-implementation/tax-credits-rebates>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
6. The Section 45Q Tax Credit for Carbon Sequestration. Манба: <https://www.congress.gov/crs-product/IF11455>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
7. Advanced Manufacturing Production Credit. Манба: <https://www.irs.gov/credits-deductions/advanced-manufacturing-production-credit>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
8. Domestic Content Requirements for Electricity Tax Credits in the Inflation Reduction Act (IRA). Манба: <https://www.congress.gov/crs-product/R48358>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
9. Europe's Green Industrial Policy and the United States' IRA. Манба: <https://dgap.org/en/research/publications/europes-green-industrial-policy-and-united-states-ira>. Мурожаат санаси: 10.11.2025 йил.
10. Credits for new clean vehicles purchased in 2023 or after. Манба: <https://www.irs.gov/credits-deductions/credits-for-new-clean-vehicles-purchased-in-2023-or-after>. Мурожаат санаси: 11.10.2025 йил.
11. Vaishnav P. Implications of green technologies for environmental justice //Annual Review of Environment and Resources. – 2023. – Т. 48. – №. 1. – С. 505-530.
12. Prevailing wage and apprenticeship requirements. Манба: <https://www.irs.gov/credits-deductions/prevailing-wage-and-apprenticeship-requirements>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
13. Denis Cook. Complete Guide to Energy Community Tax Credits Bonus. Манба: <https://www.reunioninfra.com/insights/spotlight-on-the-energy-community-bonus-credit-adder>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
14. Clean Electricity Low-Income Communities Bonus Credit Amount Program. Манба: <https://www.irs.gov/credits-deductions/clean-electricity-low-income-communities-bonus-credit-amount-program>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
15. Climate Pollution Reduction Grants. Манба: <https://www.epa.gov/inflation-reduction-act/climate-pollution-reduction-grants>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
16. About CPRG Planning Grant Information. Манба: <https://www.epa.gov/inflation-reduction-act/about-cprg-planning-grant-information>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
17. IRA Section 60114 – Greenhouse Gas Pollution Grant Program. Манба: <https://iratracker.org/programs/ira-section-60114-greenhouse-gas-p>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
18. Funding through Department of Energy Loan Programs Office. Манба: <https://energyfundsforall.org/department-of-energy-loans/>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
19. LPO Year in Review 2024. Манба: <https://www.energy.gov/lpo/articles/lpo-year-review-2024>. Мурожаат санаси: 11.11.2025 йил.
20. Zhou J., Wu Y., Li J. Effects of the inflation reduction act on PM2. 5: empirical evidence from the US //Applied Economics. – 2025. – Т. 57. – №. 48. – С. 7980-7999.
21. Aniebonam S. O. et al. Measuring the Inflation Reduction Act's (IRA) Impact on Decarbonization and Equity: An Integrated Assessment //Journal of Environment, Climate, and Ecology. – 2025. – Т. 2. – №. 2. – С. 105-113.
22. Tokić G. A. Environmental Tax Incentives: Lessons from the US Inflation Reduction Act (So Far) //Pace Environmental Law Review. – 2025. – Т. 43. – №. 1. – С. 57.
23. Noll B., Steffen B., Schmidt T. S. Domestic-first, climate second? Global consequences of the Inflation Reduction Act //Joule. – 2024. – Т. 8. – №. 7. – С. 1869-1873.
24. Aiginger K., Sieber S. The matrix approach to industrial policy //International Review of Applied Economics. – 2006. – Т. 20. – №. 5. – С. 573-601.
25. Евразийская экономическая комиссия. ЕЭК обсудила с бизнесом стран ЕАЭС барьеры во взаимной торговле с Узбекистаном и возможности для их устранения. Манба: <https://eec.eaeunion.org/news/eek-obsudila-s-biznesom-stran-eaes-barery-vo-vzaimnoy-torgovle-s-uzbekistanom-i-vozmozhnosti-dlya-ikh-ustraneniya>. Мурожаат санаси: 12.11.2025 йил.



26. Furceri D. et al. The macroeconomy after tariffs //The World Bank Economic Review. – 2022. – T. 36. – №. 2. – C. 361-381.; Furceri D, Hannan SA, Ostry JD, Rose AK. Are tariffs bad for growth? Yes, say five decades of data from 150 countries. J Policy Model. 2020 Jul-Aug;42(4):850-859.

27. Ismailova N.S., Dadabayev U.A. O‘zbekistonning Jahon savdo tashkilotiga a‘zo bo‘lishning o‘ziga xos xususiyatlari. Monografiya. -Toshkent, TDIU, 2023 yil. - B. 15.

28. Stefan Ambec. Gaining competitive advantage with green industrial policy. In: Altenburg T., Assmann C. Green industrial policy // Concept, Policies, Country Experiences. Geneva, Bonn: UN Environment. – 2017. – p.